

(? - 1605),
(1601-1605)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. Шайбонийлар сулоласининг сўнгги вакили Пирмухаммадхон (1598-1601) 1599-йилда Бокимухаммадни алохида хизматлари учун Самарканд ҳокими этиб тайинлаган. Шундай бўлсада у тез орада ўз мавкеини мустахкамлаб олиб, Пирмухаммадхонга итоат этмай қўйган ва ҳатто унга қарши урушга ҳозирлик қўра бошлаган. 1601-йил уюнда Пирмухаммадхон Самарканд яқинидаги Боги Шамол деган жойда Бокимухаммад билан жанг қилиб, мағлубиятга учраган. Сўнг, Бокимухаммад Бухорога кириб, хонлик тахтини эгаллаган. Шу тариқа Бухорода янги сулола – “Аштархонийлар” ҳукмронлиги бошланган.

Бокимухаммад ўз ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудуди яхлитлиги саклаб қолиш ўзига қадар ўтган хонлар қўлидан чиқарган ерларни душмандан қайтариб олиш мақсадида қўплаб урушлар қилган. Абдуллахон ИИ ўлимидан сўнг туркманлар ёрдамида Бухорога бўйсунмаслик йўлини тутган Хоразм масаласини Тинч йўл билан ҳал этди. Чунончи, Бокимухаммад Балх тахтига даъво қилиб исён қўтарган (1601 феврал) аштархоний шахзодалар- Аббос султон ва Раҳмонкули султонларни мағлуб этган (1602-йил баҳор) ва Балхга ўз укаси Валимухаммадни ҳоким этиб тайинлаган. Эрон шоҳи Аббос И Балхни босиб олиш, сўнгра Бокимухаммадни тахтдан ағдариб, унинг ўрнига Шайбонийлардан Муҳаммад Салим султонни ўтказиш ва бу билан Бухоро хонлигида Аштархонийлар ҳукмронлигига чек қўйиш мақсадида катта қўшин билан юриш қилганда, Бокимухаммад Амударё бўйидаги Пули Хатаба деган жойда унга пешвоз чиқиб (1602-йил июл), Эрон қўшинини бутунлай тор-мор қелтирган. Шоҳ Аббос И эса қолган-қутган аскарлари билан аранг қочиб қутулган. 1603-йил 25-мартда Бокимухаммад темурийлардан Қобул ҳокими Муҳаммад Ҳаким бадиуззамон босиб олган Қундуз шаҳрини уч ой қамал қилгач, яна қайта қўлга қиритган. Бокимухаммад эндиликда Хуросонда ҳам Бухоро ҳокимиятини Тиклаш мақсади йўлида ҳаракат қила бошлади. Хуросон юриши 1604-йилга мўлжалланган эди. Аммо, 1604-йилда Қозок хони Қелдимухаммаднинг қўшинини бухоро ҳудудидан ҳайдаб чиқара олди. Бунинг учун эса анча вақт зарур бўлди. Бунинг устига Бокимухаммадхон 1605-йилда вафот этди.

Бокимухаммад мамлакатни идора қилиш тизими ва солиқларни тартибга солиш, қўшинни қайта ташкил қилиш каби қатор ислохатлар ўтказган, савдо-сотик, ҳунармандчилик, ободончилик ишларига катта эътибор берган.